Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 89 (7. 178) 1990 йил 19 апрель, пайшанба Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАНЧА ТУРЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ БИР ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилади:

Ички бозорни барқарорлаштириш мақсадида харидоргир озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишни вақтинча чеклаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашувнинг таклифи қабул қилинсин (моллар рўйхати эълон қилинади).

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги 1990 йил 20 апрелдан бошлаб ана шу рўйхатдаги молларни Ўзбекистон ССРдан ташқарига жўнатиш учун почта посилкаларини қабул қилишни тақиқлаб қўйсин. Ҳарбий қисмлар, ногиронлар, қариялар уйлари, болалар уйлари, интернат мактаблар, ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жазони ўтаётган кишилар, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларининг республикадан ташқарида ўқиётган талабаларн номига жўнатиладиган маҳсулотлар бундан мустаснодир.

Ўрта Осиё Темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги 1990 йилнинг 20 апрелидан бошлаб озиқ-овқат молларининг барча турларини республикадан ташқарига олиб чиқишни тақиқлаб қўйсинлар, гражданлардан белгиланган нормадан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари юкини қабул қилмасинлар, харидоргир молларни республикадан ташқарига жўнатиш учун уларга ва кооперативларга вагонлар, контейнерлар, автотранспорт ва самолётлар ажратмасинлар. Шахсий фойдаланишдаги буюмлар, шунингдек истиқомат қилиш учун янги жойга жўнаб кетаётган кишиларнинг буюмлари бундан истисноднр.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига бир кишн олиши мумкин бўлган моллар нормаси белгилаб берилсин. Молларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш қоллари аниқланганда эса, уларни сотиш тўғрисида шу жойнинг ўзида қарор қабул қилинсин. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ва Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги билан биргаликда айниқса аэропортларда, темир йўл ва автомобиль вокзалларида олиб қўйилган моллар топшириладиган конкрет магазинларни ва умумий овқатланиш корхоналарини белгиласнилар. Бевосита шу жойнинг ўзида малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан гражданларга олиб қўйилган моллар пулини қайтариб бериш тартиби ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети, Ўзбекбирлашув, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети 1 июндан кейин қишлоқ хўжалик маҳсулотини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш тартиби тўғрисида, шунингдек аҳоли хўжаликларида мева-сабзавот маҳсулоти етиштирувчилар уюшмасини тузиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсинлар ва бир ой муддат ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширсинлар.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги транспортнинг барча турларида юк ташиш устидан қатъий назорат ўрнатсин. Кундалик харид моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари ва паррандаларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш қолларининг қатъиян олди олинсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, министрликлар ва идоралар енгил автомашиналарни, жумладан, илгари фойдаланишда бўлган машиналарни комиссион нархларда фақат Ўзбекистон ССР территориясида истиқомат қилувчи шахсларгагина сотсинлар.

⊙ Олиб чиқиб кетилиши чекланган ёки тақиқланган маҳсулотлар рўйхатини рўзноманинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

21 апрель—касаба уюшмаси шанбалиги

УНУМДОРЛИК ОШАДИ

⊙ ТОШКЕНТ саноат қурилиш трестига қарашли пардозлаш ишлари бошқармаси жамоаси ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилини кўтаринки рухда бошлаб, йилнинг дастлабки уч ойлик топшириқларини шараф билан адо этди.

Бошқарма жамоаси саноат иншоотларини қуриш билан бирга турар-жой биноларини қуришга ҳам алоҳида аҳамият беряпти. Яқинда А. Икромов районида 32 хонадонли 4 қаватли ғиштли турар жой биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйди.

Жамоа бир қатор ибратли ташаббусларни ҳам кўтариб чиқиш билан бир қаторда бошқа илғор корхоналар ташаббусини ҳам қўллаб-қувватлашади. Улар 21 апрель Бутуниттифоқ меҳнат байрамида фаол қатнашиб 9 минг сўмлик иш бажарнб, шундан бир қисмини бошқарма касаба союз ҳисобига ўтказишга аҳд қилишган. Шу куни бошқарма жамоаси меҳнат қилаётган ҳамма жабҳаларда меҳнат унумдорлиги бир ярим ҳисса ошади.

Д. ОЛИМОВ.

МЕҲНАТ БАЙРАМИГА

⊙ 3-АВТОБУС парки ҳовлисидан ҳар куни 233 та автобус ўттиз маршрут бўйлаб йўловчилар хизматига чиқариладн. Бир кунда бу машиналар аҳолига 19 минг сўмлик хизмат кўрсатиб қайтади.

Ҳозир корхонада В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигнга ўтказиладиган шанбаликка тайёргарлик кўрилмоқда. Шу куни автобус парки территориясида кўплаб ободончилик ишлари олиб борилади. Эски машиналар таъмир қилинадиган устахона бузиб ташланиб, янгиси қурилади. Шу куни ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми бирлашма касаба уюшмаси ҳисобига ўтказилади.

А. ФАЙЗИЕВ.



⊙ ИШЧИНИНГ ТОЛМАС ҚЎЛЛАРИ. Тошкент золдирли подшипниклар заводининг сараловчиси Юлия Игнатьевна Савельева.

Т. Каримов сурати.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

ЯКУНЛАР НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети мажлисида 1990 йил январь-март ойларида шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларининг бажарилиш якунлари муҳокама этилди.

ШУ НАРСА таъкидландики, район Советлари ижроия комитетлари, кўпгина хўжалик раҳбарлари томонидан бу йилги халқ хўжалик комплекси ишларининг суръати ва қатъиятини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар кўрилмаяпти. Ўтказилган иқтисодий ислоҳот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга етарлича таъсир кўрсатганича йўқ. Кўпгина тармоқларни, айниқса саноат, қурилиш комплексини ривожлантиришда режа кўрсаткичларини бир маромда бажара бориш таъминланмаяпти. Корхоналар ва ташкилотларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш борасида силжиш бўлмаяпти.

Саноат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятлари бор-йўғи 98,3 фоиз адо этилди, холос. Халқ хўжалигига 17,2 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Айниқса, Акмал Икромов районида шартнома мажбуриятларини бажариш 94,5 фоизда, Ҳамза районида 97,1 фоизда, Собир Раҳимов районида эса 97,8 фоизда қолиб кетгани, яъни бу борада энг паст даражага эришилгани аҳволни мураккаблаштирди. Шундай аҳволда умуман шаҳар бўйича иш ҳақига сарфланган маблағ мўлжалдагидан 9 фоиздан зиёдроққа ошиб кетди.

3 ойлик якунига кўра 23 та корхона шартнома мажбуриятларини уддалай олмади. Айниқса, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бир неча миллион сўм, заргарлик заводи 3,5 миллион сўм, лак-бўёқ заводи 1,5 миллион сўм, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш заводи 1,2 миллион сўм, ип-газлама бирлашмаси 1 миллион сўм кам маҳсулот етказиб беришга йўл қўйдилар.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиш жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда ўсиш суръати 99,2 фоизни ташкил этди ёки бу ўтган йилги даражага нисбатан 37 миллион сўмга камдир. Айниқса, Ҳамза, Фрунзе, Куйбишев районлари саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш борасида катта пасайишга йўл қўйдилар: авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини бир неча миллион сўмга, Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси 5,4 миллион сўмга, ип-газлама бирлашмаси 8,8 миллион сўмга, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4,5 миллион сўмга камайтириб юбордилар.

Умуман шаҳар бўйича кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича режа 102,9 фоиз адо этилганига қарамай истеъмол бозоридаги танглик давом этмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган кўпгина моллар билан таъминлаш қаноатланарли эмас. 12 та корхона кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича режаларни уддалай олмади. Улар томонидан 3,6 миллион сўмлик моллар кам етказиб берилди. Катта қолоқликка йўл қўйган корхоналар ўртасида авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, лак-бўёқ заводи ва грампластинкалар заводи бор.

Енгил саноатнинг кўпгина корхоналарида белгиланган режалар аввалгидек алоҳида модали буюмлар ва «Янгилик» белгили буюмлар ишлаб чиқариш суръатларини ошириш ҳисобига адо этилмоқда. Айни вақтда эса маҳсулот турлари бўйича режа бажарилмаяпти. Масалан, январь-март ойларида 6 минг жуфт пайпоқ, 65 минг жуфт болалар пойабзали, болалар учун чакана баҳоларда 644 минг сўмлик тикувчилик буюмлари кам етказиб берилди.

Буларнинг ҳаммаси пул муомаласини ёмонлаштиришга олиб келди. Кўпгина корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи ташвишлантирмоқда. Январь-март ойларида йиллик капитал маблағлар ҳажмининг атиги 19 фоизигина ўзлаштирилди, холос. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик ҳажмининг 18,6 фоизи, турар жой қурилиши йиллик ҳажмининг эса бор-йўғи 20 фоизи адо этилди, холос. Дастлабки уч ойда белгиланган қурилиш дастурини бажаришда, айниқса Акмал Икромов, Киров, Октябрь районлари катта қолоқликка йўл қўйдилар. Қурилиш ишларини олиб бораётган 121 та ташкилотдан дастлабки уч ойда 73 таси ўзларига ажратилган барча маблағлардан фойдалана олмадилар.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 159-қурилиш трести, 153-қурилиш-монтаж ишлари режаларини бажаришни барбод этишга йўл қўйдилар. Бу эса йилнинг биринчи ярмида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш биноларини қуриб, фойдаланишга топшириш режаларини бажаришни хавф остига қўяди.

Шаҳардаги 22 та корхона ва ташкилот ишни хўжалик усулида қуриш бўйича олиб бориб, бу борада йиллик иш ҳажмининг 9 фоизи миқдорида капитал маблағларни ўзлаштирдилар.

Чакана товар оборотн режаси 105,9 фоиз адо этилди. Аммо бу режанинг тахминан 14,9 фоизи спиртли ичимликлар сотиш, шунингдек ноозиқ-овқат молларини харид қилиш ҳисобига таъминландики, уларнинг дастлабки уч ойдаги миқдори белгиланган фонддан 36,2 миллион сўмга ошиб кетди. Бу эса мол қолдиқларининг нормативларга нисбатан 43 миллион сўмга қиқариб кетишига олиб келди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси эса 101,1 фоизга адо этилди. Аммо коммунал корхоналари томонидан режа бор-йўғи 99,4 фоизга адо этилди, холос. Шаҳар турар жой бошқармаси, капитал қурилиш Бош бошқармаси, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитети энг катта қолоқликка йўл қўйдилар.

Турар жойларни ва ижтимоий, маданий-маиший биноларни капитал ремонт қилиш режалари бажарилмаяпти. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 21 та ташкилот — ремонт-қурилиш трестлари ва бошқармаларидан фақат 7 тасигина қурилиш-монтаж ишлари режасини бажардилар, холос. Айниқса, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг қурилиш, монтаж, ремонт ташкилотлари, «Антикор» ишлаб чиқариш бирлашмаси, турар жой қурилиши кооперативига қарашли қурилиш бошқармаси анча қолоқликка йўл қўйди.

Район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар Бош бошқармалари, бошқарма ва трестлари, корхона ва ташкилотлари иккиламчи хом ашёни йиғиш, тайёрлаш ва топшириш топшириқларини бажариш учун зарур чора-тадбирларни кўрмадилар. Қора ва рангли металл парчаларини, тўқув материаллари, иккиламчи полимерлар, саноат чиқиндилари синиқ шишалар, озиқ-овқат чиқиндиларини тўплаш уч ойлик топшириқлари адо этилмади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида шаҳар план комиссиясининг раиси Б. Ғ. Йўлдошев, шаҳар молия бошқармасининг бошлиғи Н. К. Мусаев, СССР давлат банкининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Ш. И. Шогиёсов, Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитетининг шаҳар Бош территориал бошқармаси бошлиғи Н. И. Емельянов, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ҳисоботлари тингланди.

Қабул қилинган қарорларда шаҳардаги район Советлари ижроия комитетлари, хўжалик раҳбарларининг шу йилнинг дастлабки уч ойида шаҳар халқ хўжалигини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларини амалга ошириш бўйича олиб борган ишлари ўта оз деб топилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари ва трестларига, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига 1990 йилнинг дастлабки уч ойлик якунларини танқидий таҳлил этиб чиқиш, шаҳар халқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришни таъминлаш бўйича тезликда амалий чора-тадбирлар кўриш, план-топшириқларини бажариш учун корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларидан жуда қаттиқ туриб талаб қилиш топширилди. Асосий эътибор ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизмат кўрсатишни кучайтириш ва савдо ҳамда пул муомаласидаги аҳволни барқарорлаштириш учун маблағларни ишлаб топиш принципини изчил амалга оширя боришга қаратилмоғи зарур.

Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов олиб борди. Мажлис ишида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари А. В. Гончарова иштирок этди.

Тонгги газеталарда

⊙ **1990 йил 9 Май куни Москва шаҳрида Қизил майдонда қўшинлар парадини ўтказиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони эълон қилинган.**

⊙ **Республика газеталарида Индонезия Республикасининг кооперация ишлари министри Б. Арифин бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзоларини Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қабул қилганлиги ҳақида расмий хабарлар берилган.**

⊙ **Москвада СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. «Масалани қизишмай, холисона ҳал қилайлик» — ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлдан берган хабар ана шундай номланган.**

⊙ **Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг орбитадаги парвози давом этмоқда, деб хабар беради учишни бошқариш маркази. Космонавтлар сўнгги вақтда учувчи бошқарадиган «Мир» комплексини қўшимча жиҳозлаш юзасидан катта ҳажмдаги мураккаб ва масъулиятли ишларни бажардилар. Орбитадаги ишлар белгиланган графикка мувофиқ ўтмоқда.**

АФҒОНИСТОНДАН НОГИРОН БЎЛИБ ҚАЙТГАНЛАР УЧУН

«Тошкент, Гоголь кўчаси, 70, Афғонистон ветеранлари уюшмасининг республика бўлими» — шу манзилгоҳга Югославияда ясалган ўнта енгил, чаққон ҳаракат қиладиган ногиронлар аравачаси ва Италия фирмалари тайёрлаган 60 та енгиллаштирилган қўлтиқтаёқ келтирилди. Буларнинг ҳаммаси Афғонистон урушида яраланган ва мажруҳ бўлиб қолганлар учун мўлжалланган.

Аравачалар ва қўлтиқтаёқларни қарорғоҳи Москвада жойлашган Афғонистон ветеранлари уюшмаси шу жамоат ташкилотининг Ўзбекистондаги бўлими буюртмасига биноан сотиб олди. Афғонистонда бўлганларни бирлаштирувчи ветеранлар уюшмаси бу йигитларга, шунингдек Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ногиронлар аравачалар ва қўлтиқтаёқларни бепул олишади.

(ЎзТАГ).

Саноат чиқитлари цементни тежамоқда

Бетонга қўшиладиган янги маҳсулот цементни 15 фоизгача тежаш имконини беради: целлюлоза-қоғоз саноатининг чиқитлари, махсус рецепт асосида қайта ишланган фосфогипс ва кул тақчил материалнинг ўрнини қисман босди. Бунда енгил ва оғир бетонларнинг сифати анча ошди.

Чиқитлардан қўшимча таркибини ва уни тайёрлаш технологиясини Тошкент қурилиш-лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари М. Борисов, А. Ткаченко ҳамда Ленинград темир йўл транспорти инженерлари институтининг профессори П. Комохов ихтиро этдилар.

Чиноз ва Жиззахдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатлари, Бухоро уйсозлик комбинати, Қарши саноат қурилиши бирлашмаси мазкур усулни биринчилардан бўлиб қўллай бошладилар. Иқтисодий самара ҳар куб метр бетонга қарийб уч сўмни ташкил этди. Ҳозир Сергели экспериментал уйсозлик комбинатида, Главташкентстрой 3-уйсозлик комбинатида ва Нукус уйсозлик комбинатида илғор технология жорий этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЧЕҲРАЛАРДА ТАБАССУМ

⊙ **Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театрида сешанба куни ўзгача бир файз ҳукм сурди. Бунинг сабабчилари Наманган вилоятидан ташриф буюрган меҳмонлар эди. Театр томошахонасига кираверишдаги кенг зал савдо расталари билан тўлган. Концерт бошланишига ҳали вақт бор бўлса-да, у ер одамлар билан гавжум. Фурсатдан фойдаланиб биз ҳам мезбонлару, меҳмонлар билан гурунглашишга, дил сўзларини эшитишга ошиқамиз.**

Санжар Зиёмов, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги санъат бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Жумҳуриятимиз ҳукумати қарори билан пойтахтимизда Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган ҚҚАССР ва вилоятларнинг анжумани ўтказиляпти. Мўлжалимиз, бу анжуманни февраль ойида бошлаб, май ойида тугатиш эди. Тайёргарлик ишлари кўп вақтни олгани сабабли вақтида бошлашнинг имкони бўлмади. Биринчисини хоразмликлар бошлаб беришган эди. Энди навбат наманганликларга келди.

Фикримча, бу тадбирни янада каттароқ ўтказиш керак. Чунки бир вилоят санъатини, маданиятини намойиш этишга икки кун камлик қилади. Ахир, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос анъанаси бор. Бу анъаналарнинг кўпчилиги марказнинг диққатидан четда қоляпти. Асосий мақсад истеъдодларни топиш ва ўша вилоят маданиятини, санъатини юксалтиришда қамчиликлар нималарда кўринади? Уларни аниқлаб бартараф этишда ёрдам бериш.

Энди наманганликлар тайёрлаб келган томошаларга келсак, унда ҳам ўзига хослик, жозиба кўзга ташланади. Бир кун аввал Муқимий номидаги театрда драматург Иномжон Турсуновнинг «Бу телба дунё» драматик пьесаси намойиш этилди. Бу асар ҳақида илиқ гаплар айтилди. Бугун эса катта концерт «Наманган наволари» деб аталади. Унда етук санъаткорлардан тортиб, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этишади. Улар орасида Ўзбекистон ССР халқ артисти Камолиддин Раҳимов, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Турсуной Мамедова каби таниқли санъаткорлар бор. Концерт программасини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карим Йўлдошев тайёрлади.

Маъмуршо Турғунов, Наманган вилояти савдо Бош бошқармаси бошлиғи:

— Биз Тошкентга 400 минг сўмликка яқин мол олиб келдик. Келтирган молларимиз пойтахтликлар дидига мос келишига алоҳида эътибор бердик. Асосан вилоят маҳаллий саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар харидорлар эътиборига ҳавола этиляпти. Улар орасида Наманган аврли газламалар комбинати, шойи тўқиш фабрикаси, пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган кийим-кечаклар, кооператив ташкилотлари тайёрлаган безакли қурилиш материаллари бор. Шунингдек, Поп районидаги қандолат цехида пиширилган ширинликлар, Тўрақўрғон мева заводида тайёрланган мурабболар. Наманган район Тельман номли колхоз иссиқхонасида етиштирилган помидор-бодринглар, Учқўрғон районидаги «Партия XXIV съезди» колхози миришкорлари юборган озиқ-овқатлар ҳам сотувга қўйилган.

Яна Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган кўйлаклар савдо кўргазмаси ташкил этилди. Агар биз олиб келган молларимиз, қилган хизматимиз билан тошкентликлар кўнглини хушнуд этолган бўлсак, ғоят бахтиёрмиз.

⊙ **Дарҳақиқат, ўша кунги тадбир ўзига хос баҳорги сайил тарзида ўтди. Яхши мол ерда қолмайди деганларидек, пештахтага қўйилган нарсаларнинг аксарияти қўлма-қўл бўлиб кетди. Ичкарида эса шўх куй ва дилрабо қўшиқлар садоси анчагача янграб турди. Меҳмонларнинг ҳам, мезбонларнинг ҳам юзларидан табассум аримади.**

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.





⊙ СУРАТЛАРДА: томошахонадаги тадбирлардан лавҳалар.

Р. Шарипов суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛИШИ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ ТАҚИҚЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ

Биринчи устун — моллар номи, иккинчи устун — ўлчов бирлиги, учинчи устун — алоқа бўлими орқали жўнатиш нормаси, тўртинчи устун — транспорт барча турларида олиб чиқиб кетиш тақиқланган юк.

1. Дудланган колбасалар ва дудламалар	кг	1	
Консервалар:			
гўшт	банка	2	
сут	»	2	
балиқ	»	2	
сабзавот	»	2	
мева	»	2	
шарбатлар	»	2	
Шакардан пиширилган маҳсулотлар	»	2	
Пишлоқ, бринза	кг	1	
Сарёғ	»	1	
Болалар таомлари маҳсулотларининг барча турлари	кути	2	
Озиқ-овқат концентратлари	ўрам	10	
Қуруқ нонушта	»	10	
Қоқланган, дудланган балиқ	кг	2	
Барча турдаги қаҳва	»	0,2	
Чой	»	0,3	
Қандолатчилик маҳсулотлари	»	1	
Асал	»	1	
Қанд-шакар	»	1	
Ун	»	2	
Гуруч	»	2	
Тамаки маҳсулотлари	кути	10	
Қора мурч	кг	0,1	
Хантал, бошқа зираворлар	»	0,2	
Ош содаси	»	0,2	
Хамиртуруш	»	0,2	
Ип газламалар	метр	6	
Сочиқ	дона	2	
Жун рўмол	»	1	
Чарм пойабзал	жуфт	1	
Осиё калишлари	жуфт	1	
Тайёр кийимлар	тури	1 тадан	
Пайпоқ-носкилар	жуфт	2	
Ўрин-кўрпа жилдлари	туркум	1	
Кир совун, атир совун	бўлак	1	
Синтетик ювиш воситалари	кути	1	
Тиш ювиш пастаси	тюбик	2	
Корсет буюмлар	дона	1	
Соқол олиш пискалари	кути	1	
Митти калькуляторлар	дона	1	
Ихчам-кассеталар	»	2	
Ип ва ипак	»	2	
Мактаб-ёзув анжомлари	тури	2	
Сурат қоғози	кути	1	
II. Барча озиқ-овқат маҳсулотлари шу жумладан вино-арақ	—	—	тақиқланган
Чорва ва парранда			»
Чет элда ишлаб чиқарилган барча ноозиқ-овқат маҳсулотлари	—	—	»
Узоқ муддат фойдаланиладиган моллар			
Телевизор			»
Пианино ва рояллар			»
Енгил автомашиналар			»
Велосипед ва мопедлар			»
Электр-буюмлар	—	—	»
Мебель	—	—	»
Гилам ва гилам буюмлар	—	—	»
Радиотехника	—	—	»
Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар	—	—	тақиқланган
Табиий мўйна буюмлар			»
Бинокорлик материаллари:			
ёғоч-тахта	—	—	»
цемент, шифер, дераза ойнаси	—	—	»
лок-бўёқ маҳсулотлари	—	—	»
Сантехника, санитария сопол буюмлари	—	—	»
Линолиум, гулқоғозлар	—	—	»
Кундалик моллар:			
ип, тугма, игна, шпилька, гугурт, шам, пичоқлар, қайчилар	—	—	»
Синтетик ювиш воситалари	—	—	»
Кир совун, атир совун	—	—	»
Тиш ювиш пастаси	—	—	»
Соқол олиш учун пискалар	—	—	»
Калава иплар	—	—	»
Соябонлар	—	—	»
Жун рўмоллар	—	—	»
Гальваник элементлар	—	—	»
Сурат қоғози	—	—	»
Ип газламалар: чит, сатин, чойшаббоп газлама, дока	—	—	»
Ипак газламалар: духоба, бахмал	—	—	тақиқланган
духоба буюмлар	—	—	»
Тайёр кийимлар	—	—	»
Пойабзал	—	—	»
Бош кийим	—	—	»
Ёнилғи-мойлаш материаллари	—	—	»

* * *

I ИЮНГАЧА РЕСПУБЛИКАДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ ТАҚИҚЛАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ РЎЙХАТИ

Биринчи устун — маҳсулот тури, иккинчи устун — ўлчов бирлиги, учинчи устун — алоқа бўлими орқали жўнатиладиган маҳсулот нормаси, тўртинчи устун — транспорт барча турларида олиб чиқиб кетиш тақиқланган юк.

Сабзавот:			
помидор	кг	2	тақиқланган
бодринг	»	—	»
лавлаги	»	—	»
сабзи	»	—	»
шолғом	«	—	»
пиёз	»	2	»
турп			»
булғор қалампири			»
саримсоқ пиёз	»	2	»
Мева:			
олма	кг	2	тақиқланган
узум			»
нок	»	2	»
олхўри	»	2	»
беҳи	»	2	»
хурмо	»		»
туршак ва майиз	»	2	»
ёнғоқ	»	2	»
ерёнғоқ	»	2	»
ҳандон писта	»	1	»
бодом, шўрданак	»	1	»
полиз маҳсулотлари			»
қовунқоқи			»
картошка			»

КАСАБА УЮШМАСИ ҲАЁТИ

ИБРАТЛИ бир хушхабарни эшитиб корхонага йўл олдик. Кўп ўтмай Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси дарвозасидан кириб бордик. Мана, корхона касаба уюшмаси раиси Комилжон Солиҳов ҳузуридамиз.

— Қайта қуриш, қайта қуриш деймиз-у, ишларимизда эса унинг акс садоси кам кўриняпти. Корхонада ўтказилган бир йиғилишда шу хусусда сўз борди, — дейди бизга К. Солиҳов. — Ишчилар камчиликларимизнинг авра-астарини ағдариб ташлашди. Касаба уюшмаси фаолиятида янгилик сезилмаётганлигини танқид қилишди. Ишчилар, айниқса пенсияга узатилаётган кексалар ҳақида қайғурмаётганлигимиз кескин қораланди. Пенсияга қўшимча ҳақ тўлаш ҳақида гап борганда тортишувлар кучайди. Қандай қилиб пенсия пулини ошириш мумкин? Мана шу савол олдимизда кўндаланг туриб қолди. Таклиф ва истаклардан сўнг шундай қарорга келдик.

Корхонада ишлаб пенсияга чиққан, ойига юз сўмдан кам қарилик пули оладиган кексаларга бирлашма ўз ҳисобидан ой сайин ўттиз сўмдан қўшимча нафақа пули тўлайдиган бўлди. Бундан ташқари пенсияга кузатиш олдидан 10 йил меҳнат стажига эга бўлганларга 200 сўм, 15 йил сурункасига ишлаганларга 300 сўм, меҳнат фаолиятига 20 йил тўлганларга эса 500 сўм қўшимча ҳақ тўлашга келишилди.

Кўпчилик таклифини маъмурият тўла қувватлади. Шу йилнинг январидан бошлаб юқоридаги қарор амалда жорий этилмоқда.

МЕҲНАТГА ЯРАША ИЗЗАТ

Корхонада ишчиларни уй-жой билан таъминлашда ҳам ижобий томонга бурилиш бўлди. 1987 йили жамоа учун кооператив уйдан 14 та квартира сотиб олинди. Шунингдек, бошқа корхоналар билан улуш қўшиш йўли билан қурилган уйларга бирлашманинг 29 ишчи-хизматчилари оиласи кўчиб кирди. 11 тадан кўп боласи бўлган ишчиларга шаҳар Совети ижроия комитети орқали якка тартибда уй қуриш учун ер ажратилди. Ўтган йили бирлашма жамғармаси ҳисобидан 48 хонадонга мўлжалланган уй қурилиши бошлаб юборилди. Бу уй яқинда фойдаланишга топширилгач корхонада уй-жой учун навбатда турганларнинг эҳтиёжи тўла қондирилади. Шундан кейин уйга муҳтож бўлган ишчи оилалари узоғи билан бир йилда бошпаналик бўладилар.

Корхонада ишловчиларнинг 92 фоизи хотин-қизлардир. Касаба уюшмаси ташкилоти ана шуни назарда тутиб қатор тадбирлар тузиб амалга оширмоқда. Хумсонда 12 кунлик оилавий дам олиш зонаси бунёд этиляпти. Бу маскан тоғ бағрининг энг хушманзара жойидан ўрин олиб унда бир йўла 100 киши дам олиши мумкин. Ундан махсус коттеж, кинохона, спорт майдончаси, чўмилиш ҳовузи ва бошқа оммавий-спорт тадбирлари ўтказиладиган жойлар ўрин олади. Дам олиш уйи бу йил илк марта бирлашма ходимларини бағрига чорлайди.

Кейинги бир йилда корхонада ишчилардан 350 киши мамлакатимиз бўйлаб туристик саёҳатларда, 280 ишчи-хизматчи эса Самарқанд, Бухоро шаҳрида, Шоҳимардон ва Чимён тоғ ёнбағирларида бир неча кунлик сафарда бўлиб қайтишди.

Касаба уюшмаси корхонада арзонлаштирилган овқатларни ташкил этиш ташаббускори бўлди. Шу мақсадда бирлашма жамғармасидан йилига 100 минг сўм пул ажратилмоқда. Эрталаб ишчи-хизматчиларга бепул нонушта тортилади. Тушликда эса баҳоси бор-йўғи 40 тийиндан иборат бўлган комплекс овқат берилади.

Корхонада амалга оширилаётган қатор ижтимоий шарт-шароитлар айниқса эътиборга лойиқдир. Бу ерда ҳар бир цех ҳузурида соғлиқни сақлаш шохобчаси, сауна, душ мавжуд. Ҳордиқ чиқариш бўлинмалари ташкил этилган. Шунингдек ярим масаллиқлар цехи ишлаб турибди.

Яна бир эътиборга лойиқ ишлардан бири тўрт қаватли маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилишидир. Унда бичиш-тикиш ательеси, кийимларни кимёвий тозалаш шохобчаси, сартарошхона, ҳуллас, 21 хил хизмат кўрсатадиган марказ бунёд этилади. Бинони шу йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

— Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ҳужжатларида республиканинг келажаги ва халқимизнинг тақдири тўғрисида, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш жумҳурият ҳукуматининг биринчи галдаги вазифаси қилиб белгилаб қўйилди. Ишимизни худди мана шу нуқтаи назардан қайта қуришимиз керак — дейди бизга суҳбат охирида Комилжон Солиҳов.

Б. ПЎЛАТОВ,
область касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

Пешқадам ишчи

Бу корхонада кўплаб меҳнат илғорлари ишлашади. Улардан бири сиз суратда кўриб турган Ҳамидулла Умаровдир. Бу йигит экскаватор заводига ишга келибдики, ўзининг инсоний фазилатлари билан кўпчиликка танилиб келмоқда.

Камтар ва ишчанлиги туфайли ҳамкасблари ўртасида шуҳрат топмоқда.

Ҳамидулла жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Мана бир неча йилдирки, у корхона касаба уюшмаси комитетининг аъзоси сифатида ишчиларнинг ҳаёти, маданий шароити, уларга яратиладиган қулайликлар ҳақида қайғуриб келади.

Суратқаш Т. Каримов.



Сиз бунга нима дейсиз?

ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА

ШУНЧА йил турган уй бирдан бузиладиган бўлиб қолди. Шокир ота Юнусободдан ўзи танлаган кўп қаватли уйлардан бирига кўчиб ўтадиган бўлди. Камбағал бўлсанг кўчиб кўр. Кўч-кўронни ташиб олишнинг ўзи бўладими? Машина топиш керак. Топганда-я, бемалолхўжасидан бўлиши керак. Зир югуриб машина излаб бир куни бекор ўтди отанинг. Кампирига маслаҳат солувди, у бидиллай кетди:

— Вой, қизиқ экансиз-ку. Ахир кимсан палончи ветеран бўлсангиз. Орден, медалларингиз бир қути. Ишхонангизга боринг. Оз эмас, кўп эмас, ўттиз йил умрингиз ўша ерда ўтди-ку. Ўлибдими сиздай пенсионерга битта машина бермай.

«Бало-да шу кампири. Қара-я, икки кундан бери хаёлига келмаган нарсани бир зумда эслатди-қўйди». Ота кампирига ижайиб боқди.

— Ҳозироқ боринг!

Орадан ярим соат ўтиб-ўтмай Шокир ота ўзи ишлаб пенсияга чиққан автокорхона дарвозаси олдида турарди. Қоровулхонада биринчи бўлиб шогирди Ниёматни учратди.

— Привет, отахон. Бормисиз дунёда.

Ниёзмат Шокир отани қучоқлай кетди. Димоғига гуп этиб урилган бензин аралаш қорамой исидан ота сархуш бўлди. Таниш ҳид. Шофёрлик қилганига неча йил бўлган бўлса шундан бери шу ҳидни димоғига туйиб келади.

Бир зумда қадрдонлари Шокир отани ўраб олишди. Отахон улар даврасида ёшариб кетгандек бўлди. Қувноқ кулги, ғазил-мутойибадан сўнг мақсадга кўчди...

Қабулхонада уни нозик-нихол қиз қаршилади.

— Хизмат.

— Мен Одилжоннинг ҳузурларига кирмоқчи эдим.

— Кутинг, бандлар.

Набираси тенги қизнинг дағал сўзи Шокир отани ранжитсада, индамади. «Тавба, бу тоифа ёшларга нима бўлган ўзи. Бунчалик шарт-шуртни қайдан ўрганишган. Муомала одобининям билмайди булар. Худди ўчакишгандек яна кўпчилик бошлиқни мана шунақаларни котибаликка танлашади-я». Отанинг диққати ошди.

— Менга қаранг қизим, сиз кириб Шокир ота келибдилар денг. Фамилиям Хидиров. Дарров қабул қиладиган Одилжон.

Котиба чимирилиб ичкари кирди. Қайтиб чиққач отага тўнғиллади:

— Эртага келаркансиз.

Шокир ота ғалати бўлиб қолди. Бир кўнгли қўлини ювиб қўлтиғига урғиси келди-ю, кампирининг дашномидан қўрқди. Шарт туриб қабулхона эшигини тортди. Котибанинг ҳай-ҳайлашига қарамай бошлиқ ҳузурига кириб кетди.

— Ассалому алайкум!

— Нима гап, тинчликми? Бандман дедим-ку.

— Одилжон, мени танимаяпсиз чоғи?..

— Танияпман отам.

— Бир оғиз илтимос бор эди-да.

— Бўлмаса қисқа қилинг.

— Янги уйга кўчаяпмиз. шунга машинадан ёрдам берармиканси девдимда.

— Бўш машина йўқ-ку, отам. Агар уч-тўрт кун кутсангиз... Яхшиси киракаш машиналардан топинг-қўйинг-да. Биласиз-ку, бизда план бор.

— Биламан, энди шунча хизматим эвазига...

— Ортиқча гапни қўйинг отам. Ишлаган бўлсангиз меҳнатингизга яраша ҳукуматдан пенсия олаяпсиз. Ахир ишлаб кетган деб ҳаммага ҳам машинадан ёрдам беролмайманку. Биздан сизга кўрсатган хизматни эмас, планни сўрашади, отам.

Бошқа гапга ўрин йўқ.

Бу ерга келганидан минг-минг пушаймон бўлиб Шокир ота орқасига қайтаркан, ўзига ўзи йўл-йўлакай пичирлаб борарди. «Мана сизга ветеранларга ғамхўрлик, мана сизга қайта қуриш. Тавба, ҳали унинг шабадаси бу томонларга келмаган шекилли. Йўқса... Хўб тўнка бўпти-ку, бу бола. Узоқ ўтириб қолди-да, курсисида. Келганида биноийдек эди. Айнабди...»

Ота шу аснода ўзи билан бирга ишлаган фаррош хотин Сожида билан бўлган баногоҳ учрашувни эслади. Ушанда аёл эзилиб ҳасрат қилганди:

— Корхонамиз қошида болалар боғчаси очилганини эшитиб роса қувондим. Неварагинамни боғчага жойлаштириш учун қийналиб юргандим. Шунинг учун айни муддао бўпти, дедиму автокомбинатимизга бордим. Ахир 10 йилдан ортиқ ўша ерда ишлаб пенсияга чиқдимку. Ҳар қалай бошлиқлар илтимосимни қабул қилишиб битта набирамни боғчага олишар деган умидда эдимда. Шу десангиз касаба уюшмаси раисига учрашсам: «Боғча масаласини фақат Одилжон ака ҳал қиладилар. Ўша киши рухсат берсалар, майли, набирангизни боғчага оламиз», дейди.

Мажбур бўлиб бошлиқнинг олдига кирсам, вой қовоғидан қор ёғилмай ўлсин, ҳатто гапимни охиригача эшитмади. «Болани туққан онаси, отаси бор. Ўшалар жойлаштирсин, сиз пенсионерсиз, бунақа ишларга аралашманг», дейди. Вой тавба, шунча йил ишлаб, топган обрўйим шу бўлдими, айланай Шокир ота. Ахир боланинг отаси бўлсаям гўрга эди. Қизим бечора иккита ёш боласи билан ишлай олмай уйда ўтирибди-я. Ҳа, ноинсоф, ҳеч бўлмаса гапимни охиригача эшит...

Ўша куни Шокир ота ҳамкорхона бўлган бу аёлнинг ҳолига ачинганди, ўзича «яхши иш қилмабди-да Одилжон» деб қўйганди. Мана шу гапдан хулоса чиқарса бўлмас эканми? Кампири гапирса, йўқотган носковоғини топгандек чопди-я ишхонасига. Худди бу ердагидар «мана сизга машина» дея қўшқўллаб тургандек.

Чолининг уйга хуфтон бўлиб қайтганини кўриб кампир ловиллаб кетди:

— Вой қирилсин, битта машина шунчалик машмаша бўлмай. Ҳозир мен ўзим ишлаган фабрикага борай, олдимга солиб беради машинани.

«Беради-я беради. Бекорга овора бўласан. Сен ҳам бошлиғингдан снёсат эшитиб қайтасан».

Кампирнинг қарори қатъий экан, ишгурилаб чиқиб кетди. Орадан икки соат ўтар-ўтмай у оғзи қулоғида қайтиб келди.

— Умридан барака топадиганда бизнинг директор. Бир оғиз сўзимни эшитиб «Янги уйга кўчиб олгунингизча машина сизнинг ихтиёрингизда», дейди-я. Йўл-йўлакай профкомга айтиб 50 сўм ёрдам пули ёздириб берганини айтмайсизми. Ҳой, тез туринг, чол, машина ташқарида кутиб турибди.

Шокир отанинг кўзидан дув ёш думалади. «Яхшилар кўп дунёда». Хаёлига келган шу гапдан кўнгли тоғдек кўтарилди.

М. КОМИЛЖОНОВ.

БАДАЛЛАРНИ ТЕНГ ТЎЛАЙМИЗ, ЛЕКИН...

КЕЧАЛАРИ шаҳримиз кўчаларини сайр қилишни яхши кўраман. Рангли чироқлар билан ёритилган йўлкалар, ўйноқлаб отилиб турган фавворалар, анвойи гулларнинг муаттар ҳидлари анқиб турган хиёбонларни кўриб баҳри дилим очилади.

Кўкка бўй чўзган кўп қаватли биноларга кўз ташлаганимда эса қалбимни аллақандай фахрланиш ҳисси чулғаб олади. Ўша биноларнинг қурилишида менинг оз бўлсада ҳиссам борлигидан қувонаман.

Гапнинг индаллосини шаҳар манзарасидан бошлаганимнинг боиси бор. Халқимиз «Саёҳат-роҳат» дейди. Ахир меҳнат таътилида ким хушманзара жойларда дам олгиси келмайди. Ким чет элларда, Иттифоқимизнинг ўзга шаҳарларида бўлгиси келмайди. Менимча ҳамма шундай сайру саёҳатнинг гадоси. Лекин йўлланма муаммоси қийнайди. Тўғри, ҳар йили бизнинг бошқармамизга ҳам турли жойларга йўлланмалар ажратилади. Катта деворларга осилган рўйхатларда чет эл шаҳарлари, жаннатмакон дам олиш уйларига йўлланмалар мавжудлиги ҳақида ёзиб қўйилади. Мўлжалланган жойингизга йўлланма борлигини ўқиб хурсанд бўлганча бошқарма касаба уюшмаси хонасига югурасиз. Лекин у ердагиларнинг жавоби битта:

— Бор эди, тарқатдик, кечикдингиз. Олдингизга бошқасини ташлашади.

— Бошқасини танланг.

Танлайсиз. Афсуски у ерга ҳам кечикканингиз бўлади. Яна ва яна. Жавоб эса бир хил.

— Қаерга бор ўзи, — хунобингиз чиқиб сўрайсиз.

— Сўқоққа бор, Кумушконга бор.

— Ахир ўтган йили ўша жойда дам олганманку.

— Бўлмаса Ботаникага олинг. Айтиб қўяй, бугундан қолсангиз кечикасиз.

Бор гап шу. Хўш, ўша оддий қурувчи етолмаган шаҳарларга кимлар боради, деб сўрарсиз балки. Борадиганлар аниқ. Бошқарувчи боради, унинг ёрдамчилари, кадрлар бўлимининг бошлиғи, бошқарманинг кўзга кўринган хизматчилари боради. Гап-сўздан йироқ бўлиш учун улар орасига битта-яримта илғор бригадир ёки жанжалкаш қурувчилар қўшиб қўйилади.

Бу можарони албатта биргина бизнинг бошқармада эмас, бошқа қурилиш ташкилотлари ва корхоналарда ҳам кўриш мумкин. Шу ерда ўринли савол туғилади: ахир касаба уюшмаси бадалларини ҳаммамиз ойлик маошимизга қараб бир хил фоизда тўлаймизку. Шундай экан нега унинг жойлардаги мутасаддилари йўлланмаларни амалга қараб тақсимлашади? Бу ҳам қайта қуриш шарофатими?

Қ. ИСОҚОВ,
қурувчи.

Очиқчасига гаплашайлик

Қоғоздаги «беллашув»

ЭСИМНИ таниб ишчи касбини танлаганман. Кўпгина корхоналарда ишладим. Сўнгги 30 йиллик умрим асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтди. Иш шароитимиз ҳам, маошимиз ҳам яхши, бунисидан шикоят қилмайман. Лекин мени бир нарса узоқ вақтдан бери ўйлантириб келади. У ҳам бўлса ҳаммага таниш социалистик мусобақанн ташкил этиш масаласидир.

Ҳар йили корхонамизда социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилади (бу ҳамма жойда одат тусига кирган). Узундан-узоқ рўйхатлару, жадваллар тузилади. Бу бошқотирма ишлар учун неча киши овора. Уларга касаба уюшмаси раҳбарлари бош-қош. Иш ниҳоясига етгач, бу «қўлланмалар» барча цехларга тарқатилади. Чиройли безатилган махсус тахталарга осиб қўйилади. Гўё шу билан иш битгандек, хотиржамлик бошланади. Тўғри, мажлисларда, турли йиғилишларда мусобақа ҳақида гоҳ-гоҳ сўз боради. Унинг натижалари тўғрисида гапирилади. Илғорлар мақталади. Бироқ бу ишларнинг ҳаммаси расмият учун қилинади.

Биз ўзаро мусобақа деганда цехлар, бригадалараро ёки бир коллективдаги беллашувни тушунамиз. Бу турдаги мусобақалар бизнинг корхонада ҳам ҳар йили ташкил этилади-ю, мнинг афсуски унинг туб моҳияти очилмайди. Хўш, нима учун бир жамоа иккинчисидан ғолиб чиқди ёки нега шу коллектив билан баравар ишлаган, иш соати ҳам, кучлари ҳам тенг бўлган унинг мусобақадоши орқада қолди. Бунинг сабаблари чуқур ўрганилмайди. Фақат биз илғорини мақтаб, қолоғини ёмонлашга ўрганганмиз. Токайгача шу тарзда иш юритамиз. Ахир бу усул эскирмадимикин? Қайта қуриш биздан ҳар бир ишда ошкоралик, ҳаққонийлик ва янгиликни талаб қилмоқда. Кўриниб турибдики, юқоридаги усулдан воз кечиш фурсати етди. Шундай экан, асосий эътиборни ким ғолибу, ким мағлубликка эмас, балки унинг сабабларини ўрганишга қаратмоғимиз керак бўлади. Ана шундай беллашувгина корхонага фойда келтиради. Ишчиларни ҳайрихоҳликка ўргатади. Жойлардаги камчилигу, етишмовчиликларни рўй-рост очиб беради.

Масалага чуқурроқ ёндашилса ғолиб жамоа ишлаётган цехда, бригадада, албатта таъминот яхши, шароит етарли, техникалар ҳам нормал ишлаётган бўлади. Қолоқ жамоада эса мана шу уч нарсанинг бири етишмайди. Бу ўринда ишга вақтида келиб—кетиш, баъзан сабабсиз ишга келмаслик ҳолларини ҳам инкор этмаслик керак.

Хуллас, мусобақани ташкил этиш яхши, лекин уни аниқ мақсадга йўналтирмоқ керак. Шундай қилайликки, мусобақа расмиятга айланмасин, балки у ўзаро фикр алмашувлар, бир-биридан ўрганишлар, дўстона ёрдамлар самараси бўлиб қолсин.

Ҳ. НОСИРОВ,
ишчи.



Биринчи навбатда

Турар жойлар биринчи навбатда кимларга берилади! Рўзномамизга оқшомхонлардан келаётган хатларнинг кўпчилигида шу савол такрорланади. Бугун газетхонларни қизиқтирган бу саволга ҳуқуқшунос А. Ҳасанов жавоб беради.

— Турар жойлар биринчи навбатда навбатда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган Улуғ Ватан уруши ногиронларига, ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчиларнинг оилаларига, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, учала даражали Шуҳрат ордени нишондорлари, Меҳнат Шуҳрати, «СССР Қуролли Кучлари сафида Ватанга хизмат қилганлиги учун» орденлари билан мукофотланганлар ҳам шулар жумласига киради.

Шунингдек, ССР Иттифоқи қонунларида белгилаб қўйилган тартибда тасдиқланадиган касалликлар рўйхатида бўлган ёки уларнинг оғир формаларига чалинган шахсларга, граждан уруши ва Улуғ Ватан даврида СССРни ҳимоя қилиш юзасидан ҳаракатдаги армия составида бўлганлар ҳамда бошқа жанговар операцияларда қатнашганлар биринчи навбатда турар жой олишга ҳақлидир.

I ва II группа ҳарбий ва меҳнат ногиронлари, давлат ёки жамоат бурчларини бажариш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш, социалистик мулк ва ҳуқуқ тартиботини муҳофаза қилиш вақтида ёки ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлганлар оилалари ҳам шундай ҳуқуққа эгадирлар.

Шу каби ишлаб чиқаришда узоқ вақт меҳнат қилган ишчи ва хизматчилар Қаҳрамон оналар ва ёлғиз оналар, эгизак фарзанд туғилган оналар биринчи навбатда турар жой билан таъминланадилар.

Тил тўғрисидаги Қонун—амалда

СЎЗ ХАЗИНАСИ— ХАЛҚ МУЛКИ



⊙ Суюн Қораевнинг тилшунос олим сифатида Ўзбек Совет қомусининг дунёга келишида, ўрта ва олий мактаблар учун дарсликлар тайёрлашда, ўзбек тилини ва унинг луғат бойлигини бойитишда ҳиссаси бор. Олим жўғрофияга доир бир неча луғатлар ҳам яратган.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими Суюн Қораев айни шу кунларда ўзбек атамалари муаммолари масалалари билан шуғулланмоқда. У Ўзбекистон Маданият фонди топонимия кенгашининг раиси сифатида бир пайтлар ўзгартирилган жой номларини ўзбекча тиклаш борасида қизғин иш олиб боряпти.

Қуйида олимнинг атамалар ҳақидаги маълум маънодаги мунозарали мақоласи билан танишасиз.

ҚИРҚ йиллик ноширлик, қомусчилик, таржимонлик, илмий ходимлик фаолиятимда ҳамкасбларим билан кўплаб сўз ва атамаларнинг ноўрин ишлатилишини аниқладик, баъзан янги терминлар ижод қилишимизга тўғри келди. Айниқса география, геологияга оид ўнлаб терминларни илмий истеъмолга киритишга муваффақ бўлдик. Иккитагина мисол келтираман.

Ер юзида кембрий давридан олдин пайдо бўлган энг қадимий жинс қатламларини ва шу қатламларнинг вужудга келиши учун кетган вақтни руслар докембрий дейдилар; ўзбек тилида бу терминни «Кембрий давридан олдин пайдо бўлган жинслар» ёки «Кембрий давридан олдин ўтган вақт» деб узундан узоқ ифодалашар, оқибатда термин йўқолган эди. Биз Ўзбек Совет Қомуси учун «докембрий» ўрнига «токембрий» сўзини таклиф этдик, бу термин барча геологларга маъқул бўлди.

Ёки «Заповедник», сўзи ўрнига «Қўриқхона» сўзини таклиф этган эдик, эндиликда бу сўз ҳатто «Изоҳли» луғатимиздан ҳам ўрин олди. Бу сўзни муомалага киритишда биз қуйидагича мулоҳаза қилган эдик: ўзбек тилида заповедникни, тўғрироғи заказникни «қўриқ» дейишган. Масалан, Худоёрхоннинг бир неча қўриғи бўлган, бу қўриқларда хон ва унинг оила аъзолари, сарой аҳли ов қилишган, дам олишган, ўтин тайёрлашган; бу қатағонларга фуқаро — оддий халқ киритилмаган; заповедникни «қўриқ» деб оладиган бўлсак, бу сўз тилимизга «бўз ер» маъносида киритилган; бу сўзга хона сўзини қўшиш керакдай туюлди; баъзи бировлар, хона — «уй» маъносидагина келади-ку, дейишди. Биз Чўчқахона, Бўрихона, Қулонхона деган жой номларидаги «хона» қўшимчасининг маъноси бутунлай бошқача эканлигини назарда тутган эдик. Натижа ёмон бўлмади. Бу термин ҳаммага мақбул бўлди; уни туркманлар ҳам қабул қилишди (горукхона).

Ўзбек тили жумҳуриятимизда давлат тили деб Қонун қабул қилинган экан, уни тезроқ амалга ошириш, ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш, мумкин қадар кўпроқ сўзларни ишлатиш, сўзларнинг маънавий чегараларини чеклаш, русча айтганда дифференция қилиш керак бўлади. Бошқача айтганда, ўзбек тилини фан тилига айлантириш устида бош қотириш лозим. Бунинг учун иложи борича орқага эмас, олдинга қараш лозим. Тилшунос олимлар, журналистлар, таржимонлар олдида қанчадан-қанча муаммолар турибди. Масалан, экин ўрнига «қишлоқ хўжалик экини» дейиш ҳоллари учрайди. Чайка қушини «балиқчи қуш» ҳам, «оқ чарлоқ» ҳам, «чағалай» ҳам дейишади; қирғовул билан тустовуқ бир нарса, адабий тилда улардан бири қабул қилиниши керак.

«Арча байрами» ҳам ғалати машҳур сўзлардан. Халқ ҳар қандай игна баргли дарахтни арча дейди. Япроқлилар каби игна баргли дарахтлар ҳам хилма-хилдир. «Ель» сўзи дастлаб ўзбекчага арча деб, «ёлка» эса «арча байрами» деб таржима қилинган. Ель эса қарағайнинг бир тури, тўғриси қора қарағай. Ёлкани «қарағай байрами» деган маъқул эди. Лекин бу сўз тилимизга кириб кетди, яшайверади.

«Белка»ни ўзбекчага «олмахон», деб таржима қилиб келганмиз; белка «тийин» экан; «олмахон»ни руслар «соня» дейишар экан, «бобер»ни «қундуз» деб келганмиз; «қундуз» «видра» экан. Бу каби чалкашликларни марҳум академигимиз Теша Зоҳидов тўғрилаганлар.

Географлар икки сув ҳавзасини бирлаштириб турган тор сувликни «бўғоз» дейишади; тўғриси «бўғиз» («ҳалқум») бўлиши керак; (бу термин русчада икки хил ишлатилади: «пролив» ва «горло»).

«Район» сўзининг синонимларига ҳам тўхтайлик. Алишер Навоий ўз асарларида «ноҳия» сўзини «мамлакат; тупроқ, ер (эл-юрт)» маъноларида ишлатган (қаранг: «Навоий асарлари луғати», Тузувчилар П. Шамсиев, С. Иброҳимов. 1972 йил, 471-бет). Демак, ноҳия ҳозирги маънодаги «район» тушунчасини бермайди. Ўрта Осиёда «туман» сўзи район маъносига бироз мос келади. «Ўн минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бериш имкониятига эга бўлган маъмурий-территориал бирлик» (ЎзСЭ, II том, 333-бет), «ҳазора» ёки «минглик» ҳам маъмурий-территориал майдон маъносида ишлатилган (масалан, Бухорода 50 минг таноб ер «ҳазора» дейилган); Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда «депара» сўзи «район» маъносида ишлатилган. Тошкент шаҳри инқилобдан олдин 4 даҳага бўлинган; шу маънода «даҳа» район сўзига яқин келиши мумкин, лекин қишлоқ жойларда, масалан, Самарқанд областида даҳа 40-йилларгача «қишлоқ совети» тушунчаси ўрнида ишлатилган. Яна бошқа синонимлар ҳам бўлиши турган гап. Ҳар бир сўз — халқ мулки эканини унутмаслик керак.

Кўринадики, бу сўзлардан биронтаси «қулоқ» қилинган эмас, ҳар биттаси ўз ўрнида ишлатилаверилади, лекин район сўзи биринчи ўринда турмоғи, расмий ҳужжатларда, партия ва ҳукумат органлари ҳисобланган вақтли матбуотда шу сўз ишлатилгани мақбулдир.

Бундай мисоллар кўп. Қиссадан ҳисса шуки, атамаларнинг ишлатилишини кимдир назорат қилиб, тартибга солиб туриши керак. Акс ҳолда ўзбошимчалик, бошбошдоқлик давом этаверади. Юксак цивилизацияли мамлакатларда, масалан, инглиз тилли, араб тилли, немис тилли мамлакатларда. Туркияда атамалар тез-тез муҳокама қилиниб, тартибга солиб турилади.

Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларини ҳозирги пайтда осонгина тушуна олмаслигимиз сабабини олимларимиз кўпдан бери ўйлаб, бу борада аниқ тадқиқотлар олиб боришди ва изланишлар ҳамон давом этмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими Б. Вафоев Навоий асарларида учрайдиган 26 мингдан ортиқ сўзнинг фақат 9300 га яқини ўзбекча эканлигини ҳисоблаб чиққан; қолганлари арабча ва форсча ёки «дурагай» сўзлардир. Ўзбекча сўзларнинг ҳам талай қисми Навоий замонидан буён эскирган ва ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди. Масалан, «Муҳокаматул-луғатайн» асарида тилга олинган 100 феълнинг атиги учдан бир қисми ҳозирги луғатларимизда учрайди. Ёки, отчилик, овчилик каби соҳаларга оид кўплаб туркий (ўзбекча) сўз ва атамалар ҳам Навоий замонидан буён ўтган давр давомида истеъмолдан чиқиб кетган. Бу каби сўзларни қайтадан тиклаш устида бош қотириш пайти келди. Ахир, ҳатто бутунлай ўлик тиллардан лотин, санскрит тилларини биладиган кишилар кам дейсизми? Яҳудийларнинг қадимий тили — иврит Исроилнинг давлат тили вазифасини бажараяпти-ку! Навоий шеърлари эса деярли ҳар куни ашула қилиб айтилаяпти, Навоий тили луғатлари чиқмоқда, асарлари асосида илмий ишлар ёзилмоқда.

Умуман олганда, ҳар қандай тил учун лексикадан, луғат фондидан кўра ҳам грамматик тузилишнинг бузилиши, ўзгариши хавфлироқдир. Ҳозирда ўзбек тилига хос бўлмаган иборалар, тушунчалар пайдо бўлаётир: ўз устида ишламоқ (кўпроқ мутолаа қилмоқ), кечани ёки мажлисни олиб бормоқ (бошқармоқ), планни 150 фоизга бажармоқ, болтни ечиб олмоқ (боғлаган нарсалар ёки кийим ечилади, холос) ва ҳоказо. Ёшлар орасида ҳатто «сувни ўчир» ёки «сувни ёқ» деган ибора пайдо бўлаётир. Ана буларнинг олдини олиш керак.

Суюн ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Муҳтарам оқшомхон!

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши муносабати билан илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Бу, албатта, ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида алоқа воситаси сифатида амал қилишини таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги кунда матбуотда ижтимоий, иқтисодий, тарихий, адабий-бадиий, маданий ва илмий соҳаларга бағишланган мақолаларда русча—байналмилал атамаларга ўзбекча муқобиллар танлаш жараёни давом этаётгани ва унда кенг жамоатчилик фаол иштирок этаётгани ҳаммангизга маълум. Бу жараён Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида ташкил этилган Жумҳурият атамашунослик комитети томонидан қайд этиб борилмоқда.

Биз қуйида матбуотда қўлланаётган ижтимоий-сиёсий атамаларнинг муқобилларини сиз азиз оқшомхонларнинг ҳукмига ҳавола этаётирмиз.

Маълумки, атамалар таркибан ихчам, мазмунан сиғимдор, талаффузга кўра қулай бўлиши лозим.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга йўллайсиз, деган умиддамиз.

700170, Тошкент, Мўминов кўчаси, 9-уй. Жумҳурият атамашунослик комитетига.

АТАМАЛАР БУРЧАГИ

абзац	хатбоши, сатрбоши, сармати
абстракция	мавҳумотлик, мужмаллик
автоном	мухтор, ўзэркли
мухторият	ўзэрклилик, мухторият
автор	муаллиф
авторизация	муаллифлаштириш
агропром	деҳқончилик саноати, агросаноат
адрес	макон, манзил, қўнимгоҳ
арбитр	ҳакам, арбитр
арбитраж	ҳакамлик
арендатор	чоракор, ижарачи, пудратчи
архив	ҳужжатхона, ҳужжатгоҳ
архитектор	меъмор, биносоз
артист	санъаткор, санъатчи
архитектура	меъморчилик, биносозлик
аудитория	ўқувхона
аэропорт	тайёрагоҳ, қўналға
база	пой, асос, омбор
базис	тагқурма
баланс	мувозанат, шайингар, ҳисоб-китоб
бегомот	сувоти
бизнес	даромаддор, корчалонлик
бизнесмен	даромадгир, корчалон
будильник	бонгсоат
бюрократ	тўра, димоғдор, расмиятчи
бюрократия	расмиятчилик, тўрачилик
вариант	тур, хил, нусха
веранда	ойнавон, айвон
видеосалон	видеохона
виза	қайдлов
визит	ташриф, сафар
водопровод	сувқувур
вывеска	пешлавҳа
газета	рўзнома, хабарнома
геолог	коншунос
геология	кончилик, ершунослик
гид	сайрбон, сайёҳларни бошқарувчи
гимн	мадҳия, суруд, қўшиқ, давлат гимни
гипнозист	кўзбўямачи
граница	чегара, сарҳад
гримчи	пардозчи, машшота
декламатор	ифодагир, сухандон
декломация	сухандонлик, ифодагирлик
деклорация[1]	ахборотнома
деклорация[2]	тантананома
демократ	халқпарвар, халқчил
деталь[1]	бўлак
деталь[2]	тафсил
диктор	нуктар, сўзловчи
живопись	рангтасвир
заказ	буюртма
заявка	буюртманома, талабнома
звено	бўғин, ҳалқа
инвалид	ногирон
инкассатор	сайёр пулчил, пулчин
инструктор	йўриқчи, йўриқдош
институт	олийгоҳ, дорилмуаллимин, маъҳад
инструкция	йўриқнома
историк	муаррих, тарихчи
календарь	йилнома
каллиграф	ҳаттот
каллиграфия	ҳаттотлик
капитал	маблағ, бойлик, сармоя
кафе	қаҳвахона
квартал	даҳа
квартира	хонадон
кист	мўйқалам
клуб	томошагоҳ, даъватхона, базму тадбиргоҳ
коммерция	тижорат
конверт	хатжилд, хатдон
конкурс	танлов
копия	кўчирма, нусха
корректор	тузатмачи, мусаҳҳиҳ
корректура	тузатма
кофе	қаҳва
критерий	андоза, меъёр
лауреат	совриндор
линейка	чизғич
магазин[1]	дўкон, магазин
магазин[2]	ўқдон
манифест	баённома
массив	даҳа, мавзе
масштаб	миқёс
медицина	табобат, тиббиёт, табобат илми
медсмотр	тиббий кўрик
мемуар	хотиранома
министрлик	нозирлик, вазирлик
монокультура	яккаҳокимлик, якказироатчилар

Ҳ. ШАМСИДДИНОВ,
Жумҳурият атамашунослик комитетининг бош мутахассиси.

Белоруссиядан хат

МЕНИ АЖАБЛАНТИРГАН НАРСАЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» рўзномасига. Мен узоқ Белоруссия ўлкасиданман. Минск педагогика институтида таълим оламан. Талабадошларим орасида Ўрта осиёлик, жумладан ўзбекистонлик ёшлар ҳам талайгина. Ўтган йили дўстларим таклифи билан юртингизда, Хоразм воҳасида бўлдим. Диёрингизда бўлиш, қадимий Шарқнинг масканларидан бири гўзал Ўзбекистон билан танишиш оламолам таассурот қолдирди. Бу таассуротларимни қисқача қоғозга тушириб, «Оқшом»га юборишга аҳд қилдим.

Юртингиз аҳолисининг асосий қисми ўзбек миллатини ташкил қилар экан. Бу тилга Давлат мақомини бериб, хайрли иш қилибсиз. Тўғри, ҳозир миллий масала ижобий ҳал қилиниши лозим бўлиб турган муаммолардан. Лекин мени ажаблантирган нарса ўзбек бўлмаган миллатларнинг бу тилга муносабати бўлди. 20—40 йиллаб яшаса-да, бу тилда лоақал саломлашишни ҳам билмаса. Жумҳурият телевидениесининг кўрсатувларинику тил тушунмаганликларидан мутлақо кўришмас экан.

Қайта қуриш янгиланиш қирраларини очиб берди. Ўз навбатида ўзбек тили ҳақидаги Қонун ўз ишини кўрсатиб жумҳуриятингизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилиши керак. Улуғ элнинг фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб танишганман. Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Берунийлар ярата олган билимлардан афсуски ҳаммамиз ҳали тўла баҳраманд эмасмиз.

Инсонлигини англаган одам ҳамиша ўзгалар тилини, қолаверса яшаб турган жойнинг урф-одатларини ҳурмат қилиб, ўрганади. Масалан, зарафшонлик деҳқоннинг смоленсклик деҳқондан нима фарқи бор? Ўзаро бир-бирларини тушунса ўртада қандай низо чиқиши мумкин? Иши ҳам, турмуши ҳам ўхшаш бўлса.

Ўрта мактабларда бизники сингари немис, инглиз ва француз тиллари (араб тили саноқлигина, Тошкентда) ўқитилар экан. Ҳар бир қадимий обидалар, маданий меросингиз араб ва форс тилларида бўлса, оврупа тилларидан ҳам олдинроқ айнан шу шарқий тилларни ўрганиш зарур эмасми?! Йилиға жуда бўлмаса 50 нафардан фарзандларингизни Қувайт каби араб мамлакатларига ўқиш учун жўнатиш мумкинку. Биргина Хитой Халқ Жумҳуриятининг 20 минг фарзанди эндиликда Америка Қўшма Штатларида таълим олаётгани маълум.

Хуллас, азиз ўзбек биродарларим, юртингизга келиб кўп нарсани ўргандим, баъзиларидан қувонсам, қадимий миллий обидаларингизга эътибор камлигини кўриб ўртандим. Ҳа, четдан келган кишининг кўзига бу кўпроқ ташланар экан. Ўзбекистон диёрида яшовчи ҳар бир миллатга қараб туриб, бу ернинг тилини, маданиятини, тарихини ўрганинг, дегим келди.

В. ЗИНОВ,
Минск шаҳри.



● ЎҚИТУВЧИ ШАРАФЛИ КАСБ, УНИ ҲАММА ЭЪЗОЗЛАЙДИ. Буюк қайта қуриш ўқитувчи тўғрисидаги масалани кескин қилиб қўйди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни-кеча эълон қилинган халқ таълими ҳақидаги Мурожаатномасида ҳам: «Бугунги кунда ўқитувчи—янгиланиш мафкураси тарғиботчиси бўлмоғи лозим» деб катта ишонч билдирилди. Шаҳримиздаги Ушинский номли ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида ана шу шарафли касб фидойилари ўз билимларини мустаҳкамлашмоқда.

СУРАТДА: араб тили ўқитувчиси, доцент Эминжон Талабоев ўқитувчилар билан Давлат тили бўйича машғулот ўтказяпти.

А. Мамадаминов сурати.

Куюнчаклик билан ёзилган

КЎЗГА ТАШЛАНИБ ТУРГАЧ

МЕН ҳам кўпчилик қатори «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 10 январь кунги сони «Атамалар бўлими» эълон қилган шаҳримиз жой номлари бўйича таклифларини ўқидим. Ўйлайманки, бу кўпчилик газетхонларга маъқул тушган. Лекин шаҳримизда ҳар қадамда биз бундай янги номларга муҳтож бўлган ўнлаб кўча ва жой номларини учратишимиз мумкин.

Жумҳуриятимизга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон хоҳ у бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардан, хоҳ у чет эллик бўлсин, албатта у Тошкентга ва бошқа шаҳарларимизга мана шу жой орқали боришади. Бу меҳмонлар албатта тайёра билан аэропортга келиб қўнишади.

Меҳмоннинг кўзи аввало Ўзбекистонга келиб биринчи кўрган кўчаси — бу — Б. Хмельницкий кўчаси бўлади. Озгина юриб кўприкдан ўтарўтмас чап томонда «Космодром» кафеси, ўнг томонда эса «Светлана» ательеси (кийим тикадиган) ва яна қандайдир шунга ўхшаш номлар. Меҳмон яна йўл юришни давом эттиради ва кўзи ўнг томондаги уч қаватли бино тепасидаги ёзувга кўзи тушади. «Фрунзенский торговий центр» (ўзбекчаси кўринмайдиган томонда). Катта чорраҳани кесиб ўтган меҳмон, табиийки бу кўча қайси эканлигига қизиқади. Ш. Руставели кўчаси деган ёзувга кўзи тушади.

Чорраҳадан ҳам ўтди. Меҳмоннинг диққатини троллейбус ҳайдовчисининг «Остановка парк им. Кирова» деган огоҳлантирувчи сўзи ўзига қаратади.

Бундай манзарани шаҳримизнинг бошқа марказий жойларида ҳам учратамиз. Жумҳуриятимизга хоҳ тайёра, хоҳ поезд, хоҳ автобусда кириб келган одам лоақал номигагина бўлсин ўзбекона ном учратмайди (шаҳар кириш жойлари). Буларни кўрган меҳмонларимиз Ўзбекистонга кириб келганларига ҳам ишонқирамай туришади. Наҳотки ҳеч бўлмаса шаҳарга киришдаги кўчаларга бошқа ном бериш шунчалик қийин бўлса. Ахир жаҳонга донғи кетган алломаю, олиму фозилларимизнинг сансаноғига етиш қийинку!

Ҳар юртнинг юртлиги ўзлигини сақлаб қолиш, жой номлари ва кўча номлари аталишига ҳам боғлиқ эмасмикан?

Қурбон ЯМАНҚУЛОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти кечки бўлим талабаси.



⊙ ҚОЗОҒИСТОН ССР. Жумҳурият Фанлар академиясининг В. Г. Фесенков номидаги Астрофизика институти ходимлари Қуёш системасининг энг катта планетаси — Муштарий қиёфасидаги ўзгаришларни қайд этдилар. Сўнгги вақтларда унинг жанубий экваториал булутлар камари деярли тўла ғойиб бўлгани аниқланди. Айни вақтда планетанинг машҳур катта Қизил доғи кўриниши ҳам ўзгарибди: ҳозир ана шу доғ жанубий яримшардаги хира ва ғоятда ингичка қора чизиқлар манзарасида алоҳида турган ҳосилага ўхшаб кўринади. Одатда ана шу Муштарий атмосферасидаги баҳайбат гирдоб ўзининг шимолий қаноти билан қоронғи жанубий йўлкага «кириб борарди».

Олис ҳамда улкан планетада нима бўлди экан!

— Муштарийнинг ўзгарган қиёфаси унинг атмосферасида ўзига хос динамик жараёнлар содир бўлаётганлигидан далолат беради, — дейди физика-математика фанлари номзоди В. Г. Тейфель. — Биз мазкур планета атмосферасининг 1989—1990 йиллардаги ўзига хос ҳолатига доир кузатув маълумотларини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ана шу улкан ўзгаришларнинг сабабини аниқлаш имконини беради.

СУРАТЛАРДА: Муштарий планетасининг бугунги қиёфаси; планеталар лабораториясида кузатувларга ҳозирлик кўрилмоқда.

Р. Абдуллин (ТАСС) суратлари.



ХАСТАЛИК ЧЕКИНАДИ

⊙ ЎЗБЕКИСТОН ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг мажлислар залида «Санитария - эпидемиология станцияси врачлари ҳамда ветеринария хизмати ходимларининг «Сальмонеллёз» касаллиги ва унинг олдини олиш чоралари бўйича семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли жумҳурият санитария-эпидемиология станциясининг бош врач муовини Э. Ким, жумҳурият аҳолисини юқори сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари ҳақида ва жумҳурият ветеринария Бош бошқармасининг бош инспектори Э. Самиғовлар маъруза қилдилар.

О. ЮСУПОВ.


Турфа
олам

⊙ АЁЛ КИШИ БОШҚАРСА

МАДАГАСКАР Демократик Республикасидаги кўпчилик ҳайдовчи аёллар «Эҳтиёткорлик — оналар хавфсизлигидир» деган донишмандлар нақлига сўзсиз амал қиладилар,— деб ёзади пойтахтнинг «Миди Мадагасикара» рўзномаси. — Улар Антананаривунинг чорқиррали тошлар ётқизилган эгри-бугри, тор кўчаларида ўзларини эркаклардан кўра дадилроқ сезадилар. Ўтган йили Мадагаскарда ҳайдовчилар гувоҳномасининг ҳар учтадан биттаси аёлларга берилди: оилали оналарга, уй бекалари ва толибаларга, — деб хабар қилди рўзнома. Мадагаскарлик эркаклар ҳамма соҳада оналик даври ҳукм сураётганлигига ўрганиб қолдилар. Дилрабо ҳайдовчи-аёлларнинг кўпайиши йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришга хизмат қилса ажаб эмас.

⊙ КУТИЛМАГАН ЖОЙДА

БИРЛАШГАН Араб Амирликларидан Исломободга учиб келган тайёрани кўздан кечириш пайтида божхона хизматчиси ҳожатхонага кирди. Бу жойни текшира туриб, кўзи ифлос қоғозларга тўла саватчага тушдию, бурнини жийирди. Барибир уни тепиб кўрди — саватча ўрнидан жилмади. Яна бир марта тепди. Сир очилди. Шу куни саватчада 50 минг доллар олтин ёмбилар ётганди. 70 йўловчи ва экипаж аъзоларидан бирортаси олтин эгаси эканлигини айтмади.

⊙ БЕШ ЕШЛИ ПАРАШЮТЧИ

АВСТРАЛИЯЛИК беш ёшли Тристан Хайцингер жаҳондаги энг ёш парашютчи бўлди. Парашютда сакраш уларнинг оиласида анъанавий машғулот ҳисобланади. Масалан, онаси Гизела Хайцингер бундай мусобақаларда бир неча марта фахрли ўринларни эгаллаган. Қонун болаларнинг мустақил равишда парашютдан сакрашини тақиқлагани учун катта ёшдаги парашютчи Тристанни ўзига боглаб тайёрадан сакрабди.

⊙ ОДДИЙ, ЛЕКИН УЛУҒВОР

КЕНИЯНИНГ миллий гимни янги мусиқий оҳанг касб этади. Жумҳурият президенти ихтиёридаги махсус комиссиянинг раиси, профессор Вашингтон Омондининг айтишича, янги оҳанг устида ишлашга ҳозирданоқ киришилган. Гимн матни ўзгаришсиз қолади. Қарорда ҳамма мусиқачилар ҳам бу мураккаб асарни керакли савияда ижро эта олмаётгани, айниқса, оммавий аудиторияларда уни ижро этиш қийин бўлгани учун шундай қилиняпти, деб изоҳ берилади. Янги оҳанг муаллифларнинг фикрига кўра, «гимнининг улуғворлигини кўтаради ва унинг ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлайди».

⊙ ҚОЧИШ УСТИГА ҚОЧИШ

ГОНДУРАС қамоқхоналаридан биридаги маҳбус Мигель Вакеро қочиш режаларини узоқ вақт эҳтиёткорлик билан ўйлаб, ҳамма нарсани ипидан-игнасигача инобатга олиб қўйди. Шунга қарамай у қочиш учун муваффақиятсиз кунни танлабди... Унга ўзини яхши тутгани учун маҳаллий телефон тармоғи орқали бошқа шаҳарга кўнгироқ қилишга рухсат беришганди. Бу ерда у соқчининг ухлаб қолганлигидан фойдаланиб орқа эшикдан қочиб кетди. Қочоқ айни пайтда уни қамоқхонада қидиришаётганини унинг авф этилганлиги тўғрисида қарор келганлигини қайдан билсин. Бу ҳақда Вакеро рўзномалардан ўқиб билди. Унинг ҳозир қаерда яшириниб юргани номаълум. Лекин у мураккаб қарама-қаршиликлар олдида турибди: ўтирган жойига қайтса—қочгани учун судланади; бошқа томондан эса Мигелни озод этиш тўғрисидаги ваколатнома қамоқхона нозирининг столида кутиб турибди.



«Осиё гўзали—90»

КИМ МАЛИКА БЎЛАДИ?

⊙ Ўтган йили ўтказилган «Тошкент гўзали» ва «Ўзбекистон гўзали» кўрик-танловлари катта қизиқиш уйғотгани ёдимизда. Баҳс иштирокчиларининг ташқи қиёфаси, кийиниш маданияти, нафосати, дид ва бошқа жиҳатлари кўпчиликка манзур бўлган эди. Аммо шу билан бирга қалб гўзаллиги тўлиқ очиб берилмагани, миллий урф-одатларимиз етарли тарғибот қилинмаганлиги, шунингдек, қизларда зукколик етишмагани ҳақида танқидий фикрлар ҳам айтилди.

Шу йил 20-21 апрель кунлари А. Навоий номидаги ўзбек Давлат Катта академик театрида «Осиё гўзали—90» кўриги бўлиб ўтади. Хўш, унда аввалги камчиликлар такрорланмайдими? Бизнингча йўқ. Сабаби кўрик шартлари февраль ойидаёқ эълон қилинган эди. Унда қатнашиш истаги бўлган қизларимиз бемалол ўз имкониятларини чамалаб кўришди. Қатнашчилар билан танишиш сиртдан саволларга жавоб ва суратлар олиш орқали амалга оширилди. Рассомлар, дизайнчилар, психологлар ва журналистлардан иборат ҳакамлар ҳайъати Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан даъвогар бўлганларни синчиклаб ўрганиб, саралаб олишди. Негадир Туркманистондан илтимослар тушмади. Аммо шунга қарамай бу жумҳуриятдан ҳам қизлар иштирок этишади. Шундай қилиб, кўрикнинг якунловчи қисмига 15 нафар даъвогарлар киритилди.

— Қизларимиз бир-бирлари билан яқиндан танишишлари учун бир жойда яшадилар, — деди кўрик ташкилотчиси — Ижтимоий программалар халқаро маркази Ўрта Осиё филиалининг директори Алишер Алиматов. — Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, якунловчи қисмга қизғин тайёргарлик кўрилди. Қизлар билан этика, эстетика, психология, саҳна санъати бўйича хореограф ва балетмейстерлар машғулотлар олиб боришди. Биз томошабинларнинг аёлларни қандай хислатлар гўзал, нафис ва романтик қилиб юборишини ўз кўзлари билан кўришларига имконият яратдик.

Кўрик ўтаётган кунларда Навоий театрида машҳур санъат усталари иштирокида махсус шоу — программа намойиш этилади. Программанинг ҳам, саҳна безатилишининг ҳам шарқона бўлишига эришилди.

Хўш, кўрик қатнашчиларини нималар кутмоқда? Уларнинг бир гуруҳи Бутуниттифоқ кўрикда, у ерда ғолиб чиққанлар эса Лондонда ўтадиган халқаро баҳсда иштирок этадилар.

С. ШОДИЕВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

16-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш массиви» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил);

кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электр-газ пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):

кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга, бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочилари имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17»; 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ВА МАТБУОТ ТАРҚАТИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

план-молия бўлими бошлиғи вакант лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР:

раҳбарлик лавозимларида (иқтисод бўйича) ишлаган иш стажи камида 5 йил, 50 ёшгача бўлган мутахассислар таклиф этилади.

Конкурсда қатнашишни истаганлар 1 ой муддат ичида кадрлар бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: шахсий варақа, таржимаи ҳол, аввалги иш жойидан характеристика, 3х4 см. катталикдаги фотосурат, маълумоти тўғрисидаги дипломнинг нусхаси.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА

Тошкент шаҳрида 1990 йил 10 апрелда ўтказилган 13-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча жамғарма банкларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (жамғармаларнинг ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида).
А-031	50
А-052	100
А-094	25
А-128	25
А-168	50
А-223	25
А-247	25
А-315	25
А-332	25
А-366	25
А-439	25
А-476	25
А-500	25
А-542	100
А-594	25
А-605	25
А-663	25
А-691	25
А-720	25
А-760	25
А-821	25
А-870	25
А-886	25
А-920	200
А-998	25

Счётлар сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди. Масалан, А-031, А-1031, А-2031, А-3031 ва ҳоказолар, А-1128, А-2128, А-3128 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси — Тошкент шаҳар С. Раҳимов район ижроия комитети раиси Н. Р. Раҳимбердиев.

Комиссиянинг масъул котиби — М. Х. Йўлдошева.

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА

Тошкент шаҳрида 1990 йил 10 апрелда ўтказилган 95-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча жамғарма банкларидаги пул-буюм ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счет номерларига ютуқлар чиқди.

Счет номерлари	Ютуқ миқдори (жамғармаларнинг ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида)
В-011	100
В-059	25
В-093	25
В-153	25
В-185	25
В-227	25
В-250	25
В-292	25
В-339	25
В-380	25
В-439	25
В-466	25
В-510	25
В-555	100
В-592	50
В-616	50
В-672	25
В-717	25
В-729	25
В-790	25
В-835	25
В-847	25
В-901	200
В-928	25
В-988	25

Счётлар сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди. Масалан: В-011, В-1011, В-2011 ва ҳоказолар, шунингдек, В-901, В-1901, В-2901, В-3901 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси — Тошкент шаҳар С. Раҳимов район ижроия комитетининг раиси Н. Р. Раҳимбердиев.

Комиссиянинг масъул котиби — М. Х. Йўлдошева.

ДИҚҚАТ!

кейинги иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари муносабати билан

ИССИҚЛИК МАРКАЗЛАРИНИ ЎЧИРИШ ВА ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИНИ ТЎХТАТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

1-ИССИҚЛИК МАРКАЗИ (ТЦ-1), 23 дан 26 апрелгача — ТашГРЭС, Висковольт мавзеси, М. Горький проспекти, Луначарский катта йўли, Ново-Московская, Эргашев, Пушкин, Володарский, Невский, ВЛКСМ 40 йиллиги, генерал Петров, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, Дорижистон кўчаларида;

2-ИССИҚЛИК МАРКАЗИ, 14 дан 17 майгача — «Қора-Сув», «Шимолий-Шарқ», «Черданцева-2» мавзеларида;

3-ИССИҚЛИК МАРКАЗИ, 15 дан 18 майгача — Марказ-10, 11, 13, 14, 15, 16, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-33, Беруний, Ўзбекистон, Навоий, Абай, генерал Узоқов, Олмазор мавзеси, Талабалар шаҳарчаси, Чорсу;

6-ИССИҚЛИК МАРКАЗИ, 3 дан 5 майгача—Қўйлиқ мавзеси, Ипподром, Гайдар, Новий путь кўчалари;

7-ИССИҚЛИК МАРКАЗИ, 24 дан 27 апрелгача — Самолётсозлар шаҳарчаси, Оҳангарон катта кўчаси.

8-ИССИҚЛИК МАРКАЗИ, 3 майдан 5 майгача — Сергели мавзеси;

10-ИССИҚЛИК МАРКАЗИ — ТошМИ шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Калинин номли мавзе, ТошМИ комплекси.

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР МАРКАЗИ, 21 дан 25 майгача — Б. Хмельницкий, Грузовая, Ш. Руставели, Стахановчилар, Полторацкий, Шевченко, Саломатни, Муқимий, Аэропорт кўчалари, Чилонзор мавзеси, 1, 2, 3, 4, 5, 7, «Е», «И», Оқтепа даҳаси.

Маълумотлар учун телефонлар: 62-68-38, 62-65-55.

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯ МАРКАЗИ. «УЗБЕКЭНЕРГО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Халқаро ижтимоий-маданий дастурлар марказининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

«СССР ГЎЗАЛИ»

II-БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИ ВА

«ОСИЁ ГЎЗАЛИ—90»

БИРИНЧИ РЕГИОНАЛ ГЎЗАЛЛИК КОНКУРСИ ДОИРАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН жумҳуриятларининг етакчи хореография, эстрада жамоалари ҳамда СССРнинг эстрада усталари иштирокида

«ОСИЁ ГЎЗАЛЛАРИ»

ЭСТРАДА -ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН

КОНКУРС-ДАСТУРИНИ

ЎТКАЗАДИЛАР

КОНКУРСНИНГ ҲАМКОР ТАЪСИСЧИСИ — Горький шаҳридаги «ЭНЕРГЕТИК-I» кооперативидир.

ҲОМИЙЛАР — Тошкент вилоят туризм ва саёҳатлар кенгаши, Тошкент трактор заводи, Наманган вилоятидаги «ҒАЛАБА» совхози, Фрунзе «АГРОХОЛОДПРОМ» тажриба заводи, Бутуниттифоқ мелиорация системаларини комплекс автоматлаштириш илмий-текшириш институти.

Конкурсга 20, 21 апрель кунлари НАВОИЙ НОМИДАГИ ТЕАТР БИНОСИ (Киров кўчаси, 28-уй) ДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

Томошалар 20 апрелда соат 18.00 да, 21 апрель соат 17.00 да бошланади.

«Узбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

ТОМОШАБИНЛАР ТАЛАБЛАРИГА БИНОАН

3, 4 май соат 19.00 да

«ҲАЗИЛ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўриги ғолиблари:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ;

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўриги совриндорлари: Тўхтамурод АЗИЗОВ, Собит Асомов;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Зиёда МАДРАҲИМОВА, Одил КАМОЛХЎЖАЕВ

Лирик хонанда «КАМОЛОТ-89» кўригининг ғолиби Шомаҳмуд ШОРАҲМЕДОВ

Раққоса — Муаззам ҒОФУРОВА.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

«Узбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,

2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Хонандалар: ДАДАҲОН ҒАНИЕВ, ҲОТАМЖОН ЎРИНБОЕВ.

Концертдан тушган маблағнинг бир қисми БОЛАЛАР ФОНДИГА ва бир қисми ОРОЛ ФОНДИГА ўтказилади.

Программани сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТЕАТР

20, 21, 22 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Чипполино** (12.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/IV да **Ўғрини қароқчи урди**, 20/IV да **Мирзо Улуғбек**, 21/IV да **Жар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 19/IV да **Хотинимнинг эри**, 20/IV да **Гул ва Наврўз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Отасининг қизи** (19.00, билетлар сотилган). 21/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00).

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (12, 15, 18, 21.00).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «АТЛАНТИК-СИТИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОРА ВОТИНКАЛИ МАЛЛАСОЧ КИШИ» (12, 15, 18, 21.00).

КИНО

19 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал (17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (18.30, 21.00).

Восток — «МАККЕНИ ОЛТИНЛАРИ» (18.30, 20.45).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «АТЛАНТИК-СИТИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА», «ҚОРА ВОТИНКАЛИ МАЛЛАСОЧ КИШИ» (18, 21.00).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

1-лига командалари ўртасида 53-СССР биринчилиги учун

ФУТБОЛ

20 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МЕТАЛЛУРГ» (Запорожье).

Танаффус пайтида спорт-буюм лотереялари ўйналади. Серия номерлари 52001 дан то 54000 гача.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНЯПТИ.

«КАТТАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН ТРИКОТАЖ ЛИБОСЛАР»—



АНА ШУНДАЙ ШИОР ОСТИДА

25 — 27 апрель кунлари

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

2-МАГАЗИНИДА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси трикотаж буюмларининг

САВДО ҚЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

САВДО ҚЎРГАЗМАГА ўғил болаларнинг костюм ва кўйлаклари, қиз болалар учун кўйлаклар, катта ёшдаги эркакларнинг ва хотин-қизларнинг кўйлаклари тақдим этилади.

Магазиннинг макони: Чорсу майдони, 7, 11, 16-трамвайларда бориш мумкин. «Чорсу майдони» бекати.

Иш вақти — соат 9 дан 18.00 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба.

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10504.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.